# ШПАРГАЛКАНИ НИМА ҚИЛАСАН, ТАЛАБА?

Ўзбекистонда амал қилаётган ўқув юртларига тест синови асосида ўқишга қабул қилиш тизими дунёдаги энг яхши тизимлардан бири, деб топилди.

Ҳозирги пайтда ўқув юртларида талабалар билимини тест усулида доимий назорат қилиш тизими ҳам жорий қилинмоқда. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Республикада қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган. Бу нафақат олий таълимга, балки ўрта таълимдан аспирантурагача бўлган барча босқичларга тааллуқли. Тошкентда яқинда касб-ҳунар коллежлари стандартлари бўйича халқаро семинар бўлиб ўтди. Бу семинар Германия техник ҳамкорлик жамияти билан биргаликда уюштирилди. Анжуман кичик бўғин мутахассисларини тайёрловчи ўқув юртлари орасида базавий ҳисобланган хизмат кўрсатиш соҳаси коллежида ўтказилди. Олий ўқув юртлари учун бундай базавий муассаса йўқ, янги усуллар ҳамма жойда синаб кўрилмоқда.

– Шпаргалкалар барҳам топди, – дейди Давлат тест маркази директори; техника фанлари доктори, профессор Муҳсин Муҳиддинов. Бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунадиган мазкур марказ таклифи ва ишланмаларига кўра, талабалар билимини назорат қилиш тизими жорий этилмоқда. – Биз тест топшириқлари базасини ишлаб чиқдик. Улардаги вариантлар сони у ёки бу гуруҳ саволларини олдиндан билиш имконини истисно этади. Бу эса барча имтиҳон топширувчиларнинг имкониятини тенглаштириб қўйди. Хулосалар эса таълим стандартларини ишлаб чиқишда қўл келмоқда.

Илк бор тестларнинг кўп вариантли тизими кириш имтиҳонларини олиш пайтида қўлланган эди. Одатдаги имтиҳон тушунчаси ўтмишда қолди. Бир неча йилдан бери республика олий ўқув юртлари ва коллежларига фақат тест синови орқали ўқишга кириш мумкин. Шу мақсадда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бўйсунмайдиган Давлат тест маркази тузилган эди. Жорий ўқув йилида мамлакатнинг барча олий ўқув юртларига деярли 44 минг талаба ўқишга қабул қилинди. Уларнинг ярми таълим олиш учун давлат грантларини олишга муваффақ бўлишди. Қолганлари шартнома йўли билан ўқишади. Ўқишга кириш учун олий ўқув юртлари ва коллежларга деярли 300 минг йигит-қиз ҳужжат топширган эди. Тест синовларини марказ уюштиради ва амалга оширади. Қабул комиссияларига эса тайёр, мустақил давлат органи муҳри билан тасдиқланган рўйхатлар топширилади. Бошида тест хулосаларининг холислигидан шубҳаланганлар ҳам бўлди. Мамлакат абитуриентларига 2 ёки 3 топшириқлар вариантини ҳавола этган тест усули ҳам ишончсизлик уйғотган эди.

Ҳозирги пайтда шаблондан воз кечдик. Тестларда абитуриентларни билим олиш ва уни мустаҳкамлашга рағбатлантирувчи топшириқлар берилади. Уларни тузишда мамлакатимизнинг етакчи педагоглари, ўқувчилар ва талабалар иштирок этмоқда. Вариантнинг якуний шакли қандай бўлишини марказдагилар ҳам билишмайди. Компьютерга киритилган бу дастур 80 мингтагача вариант тузиши мумкин. Ушбу дастур профессор М.Муҳиддинов раҳбарлигида ишлаб чиқилган. Мамлакат олий ўқув юртларига ўқишга кириш жараёнининг холислигига тўла эришилди. Имтиҳон ўтказилаётган аудиториялар видеотасвирга туширилади ва ота-оналар ўз фарзандларини четдан туриб кузатиши мумкин. Ўқишга кира олмаганларга уларнинг жавоби кўрсатилиб, тўғриси билан таққосланади.

Навбатдаги режамиз — ягона миллий компьютер тармоғини яратиш. Дастлабки иш амалга оширилди, Оролбўйидаги Урганч вилоят марказини пойтахт билан боғладик. Эндиликда вилоят олий ўқув юртида имтиҳон топшираётган абитуриент унинг билимига Тошкентдаги компьютер дастури орқали баҳо берилишини аниқ билади. Бу ҳам марказ ишланмасидир. Ўтган йиллар давомида жами 15 та кашфиёт учун муаллифлик гувоҳномалари олинди. Марказ иши билан танишиб чиққан Американинг халқаро таълим бўйича кенгаши президенти Дэвид Паттон уни дунёдаги энг яхши олти тизимдан бири, деб топди. Тошкентдаги илмий-амалий конференцияда иштирок этган бошқа давлатлар тест марказлари мутахассислари ҳам ўзбекистонликлар фаолиятига юқори баҳо беришди.

**Озот ПРИМОВ,**
**Тошкент.**
**("Труд" газетасининг 2000 йил 18 апрел сонидан олинди.)**

*Ташаббус сўнмасин*

# ҚЎЛНИ-ҚЎЛГА БЕРИБ ИШЛАСАК

Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигига тайинланган янги раис Рамазон Расулов фермер Н. Шароповдан ёрдам сўраб келди.

– Техника воситаларини таъмирлаш керак. Маданий-оқартув ҳамда ободонлаштириш юмушлари бор. Бултур ғаллаю пахта тайёрлаш режаларини бажара олмаган хўжаликнинг қўли қисқа бўлиб турибди...

Шаропов, мен бир йигирма гектарча ерга зироат қилиб турган майдагина фермер бўлсам, деб ерга қарамади. Аксинча, хўжалик раҳбарининг фермердан ёрдам сўраб келганини кўриб, ич-ичидан суюнди. Айирмачилик бўлмайди. Худо аҳилликдан айирмасин, деб ёш раисга қўл ташлади.

Шу тумандаги «Меҳнат-роҳат» фермер хўжалигининг имкониятлари янада кўпроқ. Хўжаликнинг сурув-сурув чорваси, экин майдонлари-ю, салмоқли даромади бор. «Меҳнат-роҳат» ўзбекча кураш мусобақалари доирасида Жарқўрғонда бўлиб ўтган полвонлар беллашувига ҳомийликни зиммасига олди. Қизғин ва ҳаяжонли кечган бу беллашувларнинг савобини одамлар фермернинг номига бағишлаб, дуо қилдилар.

Ёки олтинсойлик боғбон Шароф Сариқуловнинг ишини кўринг: 21 гектар токзордан 20 миллион сўмдан ошириб даромад олди. Деҳқону миришкор ерга кўнгил қўйиб ишласа, рўзғорини, нафақат рўзғори, бутун эл-юртини обод қила олишини амалда кўрсатди. Сариқулов ва Шароповга ўхшаганлар бугун ташаббусни қўлга ола бошладилар.

Лекин вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Раҳимқул Чоршанбиевнинг фикрича, бу соҳада ҳали фермер ва мулкдорларнинг ғайрати суст. Шу ҳисобда улар гўшт, сут етиштиришни бултур анча камайтириб қўйдилар. Гектаридан 50 центнердан ошириб пахта ҳосили кўтарганлар қаторида 5, ҳатто 2 центнердан ҳосил олиб ва шу билан ҳам мен фермерман, деб банкдаги ҳисоб рақамини варақлаб ўтирганлар йўқ эмас.

Ёки томорқа хўжалигини олинг. Шу йил бошида вилоят ҳокимлигида ўтказилган семинар-йиғилишда Чоршанбиев Сурхондарёда қарийб 54 минг гектар суғориладиган ерни эгаллаб турган 400 мингтага яқин томорқа борлигини айтиб қолди. Аммо уларни рўйхатга олиш ишлари яхши эмас. Томорқа эгаларининг аксарияти ҳали банкда ҳисоб рақамларини очишмаган. Демак, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, самарали ишларга йўналтириш, томорқачиларга сервис хизмати кўрсатиш ишларини қониқарли аҳволда, деб бўлмайди. Масалан, жойларда минерал ўғит дўкони, ўсимликни кимёвий ишлаш хизмати, техника хизмати кўрсатиш шохобчалари йўқ. Борлари ҳам шунчаки хўжакўрсинга.

Бу камчиликлар, бизнингча, томонларнинг шартнома мажбуриятларига кўп ҳолларда масъулият билан ёндашмаётганидан келиб чиқмоқда. Фермер ёки мулкдор ўзи шартнома тузган томондан, сиз фалон юмушларни адо этмоғингиз лозим, деб талаб қилишдан, керак бўлса, ўзининг ҳуқуқини ҳимоя этувчи идорага ариза ёзишдан истиҳола қилади. Андишага боради. Бу андишани бўлса иккинчи томонда турган амалдор, эҳтимол, қўрқоқликка йўяди. Эҳтимол, табиий ҳол деб тушунади. Натижа аниқ: ўртада «сарсон илик» бўлиб амалга ошмай қолган ишдан, бажарилмаган режадан иқтисодиётга наф етмайди. Энди айтинг: бундай ҳолатдан кимга фойда, кимга зарар етмоқда?

Бир мисол. 1995 йилда Шўрчи туманида жамоа секторидаги 5792 бош қорамол хусусийлаштириб берилди. Чорва хусусий бўлиб ҳам талон-тарожлик ва хўжасизлик балосидан қутилмади: озуқа етиштиришга ер ажратилмади. Айрим амалдорлар таъмагирлигини тўхтатмади. Мулк эгасининг ўзи эътиборсизлик қилди. Хуллас, ўша 5792 бош қорамол 1998 йилга келиб 2735 тага камайди.

Бу камайишни тўхтатмоқ учун туман ҳокимлиги чорвадор мулкдорлар уюшмасини таъсис қилди. Уюшма назоратни кучайтирди. Ҳисоб-китоб юргизишни яхшилади. Мулкдорнинг ишига бўлар-бўлмас аралашувларнинг олдини олди. Ҳатто чорва туёқ сонини унча-мунча кўпайтиришга эришди ҳам.

– Лекин мулкдорларимизнинг манфаатини ҳимоя қилайлик, уларга кўпроқ кўмак кўрсатайлик, деганимиз билан имкониятларимиз чекланган, – дейди уюшма раиси Жўрақобил Холмуродов. – Масалан, мулкдор озуқа етиштириш лозим бўлган ернинг бир қисмига, истайдими-йўқми, пахта экади. Бу юқори идоралардан бўладиган фармойиш. Мулкдорга озуқа фондини – кунжара ёки шелухани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси амалдорлари тақсимлайди. Ёнилғи таъминотида ҳам чигалликлар бор...

Шу гапнинг устига ўттиз ёшлар атрофида бўлган зиёлинома бир йигит кириб келди. Ўзини Рашид Шоймуродовман, «Улуғберди» хусусий хўжалиги эгасиман, деб таништирди. Холмуродовнинг ҳузурига арз билан келибди. Жўра Хўжамиёров номли жамоа хўжалиги ҳудудида 3 гектар ери бормиш. Шунинг бир гектари боғ, икки гектари бўлса пахтага ажратилганмиш. Пахта экилиши лозим бўлган ерни куздан буён югуриб-елиб ҳамки ҳайдатолмаётган эмиш. «Магнум» борганда, хўжаликнинг раиси изн бермабди. Энди «Магнум» бўшаган пайтда — ёнилғи йўқ. Икки гектарни ҳайдашга керак бўладиган 80 литр соляркани нефть таъминоти идорасидан даланинг бошига олиб боришга махсус идишу улов йўқ.

Мен жамоа хўжалигига ёрдам бера бошлаган фермер Шароповдан Шўрчи туман чорвадор мулкдорлар уюшмасидаги бу ҳолат ва ёш мулкдор Рашиднинг арзини шарҳлаб беришини сўрадим.

– Уюшмаю мулк эгаларининг ишини қисиб қўяётганларнинг ҳаракати маъқул эмас, – деди Шаропов кулиб. – Лекин мулкдорнинг ҳам энди суяги қотадиган пайт келди, деб ўйлайман. Андишагўй сафдошларимга мен озгина журъат, топқирлик, қилни қирқ ёриб бўлсада, имкон топа билиш фазилатини, белларини қаттиқроқ боғлаб ишлашларини тилайман. Қийинчилик ғайрату шижоатдан чекинади, ахир.

Шаропов хайрлашаётиб:

– Мен фермеру сен раис, деб ўтириш билан иш битмайди. Қўлни-қўлга бериб ишламоқ – юрт олдидаги энг улуғ бурчимиз-ку? – деди.

Ва, бизнингча, у жуда маъқул гапни айтди.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАХРИЙЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгашида Президент Ислом Каримовнинг миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан келиб чиқувчи вазифалар мавзуида учрашув бўлди. Марказий Кенгаш раиси Э.Боқибоев бошқарган бу тадбирда фахрийлар, фан ва маданият намояндалари иштирок этди.

Учрашувда таъкидланганидек, жамият ҳаётидаги энг долзарб масалалардан бири – миллий мафкура Ватанимиз истиқболи, унинг буюк келажагини белгилашда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада мамлакатда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Анжуман қатнашчилари ёш авлодни миллий ғоя ва миллий мафкура руҳида тарбиялаш ишига ўз ҳиссасини қўшиш республика фахрийларининг ҳам шарафли бурчи экани, ана шу йўналишдаги жамики ишлар, аввало, инсон манфаатларига, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қаратилиши кераклигини қайд этди.

**(ЎзА).**

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ





*Абдусамат 10 гектар қаровсиз ерни ижарага олганда, кўпчилик ажабланди, ҳатто «эплай олмайди» дея очиқдан-очиқ айтишди. Лекин ота-бобоси ер билан тиллашиб келган Абдусамат бўш келмади. Ерни текислаб, боғ барпо қилишга оила аъзолари билан астойдил киришди. Мана, бугун меҳнатининг натижаси яққол кўзга ташланиб қолди. Янги ўтказилган турли мевали кўчатлар барг чиқарди. Кўчатлар оралиғида кўкка бўй чўзаётган буғдой майсалари кўзни қувонтиради.*

*Сирдарё туманидаги Ж. Мамажонов номли жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам ер ўз эгасини топганидан мамнун. Ҳа, янги боғ яқин йиллар ичида мўл ҳосил беришига ишонамиз.*

**СУРАТЛАРДА: фермер хўжалиги раҳбари Абдусамат Маликов; деҳқонлар ишга отланишмоқда.**

**М. АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

# НЕГА? НЕГА?? НЕГА???
## КУТУБХОНАЛАР ЎГАЙМИ?

Ғаллаорол тумани марказига йўлингиз тушса, кейинги йилларда бу ерда ўнлаб ҳашаматли савдо дўконлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қурилганлиги, кенг ва обод кўчалар бўйидаги бинолар чирой очиб бораётганлигини кўриб, мамнун бўласиз. Айниқса, кўчаларда хушчақчақ ёшларнинг тўлиб-тошиб юрганини учратиб, Ғаллаорол — ёшлар шаҳрига айланганига ишончингиз ортади.

Дарҳақиқат, бу ердаги қишлоқ хўжалиги, тиббиёт билим юртлари, касб-ҳунар лицейи, бир қанча мактабларда таълим олаётган ёшлардан ҳам келажакда кўп нарсалар умид қилиш мумкин. Бироқ улар учун пардозхона-ю, суратхоналар, дискотека-ю, музқаймоқхоналар билан бирга, илм-маърифат маскани бўлган кутубхоналар ҳам жуда зарур. Қолаверса, Соғлом авлод йилида маънавий-маърифий ишлар йўналиши кутубхоналар фаолиятига ҳам боғлиқ.

Хўш, туманда шундай масканлар борми? Бор, албатта. Фақат номигагина. Чунки тумандаги марказий ва болалар кутубхоналарининг аҳволи жуда ночор аҳволда. Уларга иситиш тармоқлари умуман уланмаган. Оқибатда минглаб китоблар нам босиб, барвақт ишдан чиқмоқда. Ёшларнинг қироатхонлик қилишлари учун шарт-шароитлар йўқ. Дастлаб ҳунар билим юрти ётоқхонасида фаолият кўрсатган, сўнг туман машина-трактор паркининг эски клубига кўчирилган марказий кутубхона ҳали-ҳануз мослашган ёруғ ва қулай бинога муҳтож.

Бугунги кунда туман марказлашган кутубхоналар тармоғининг 31 та филиали мавжуд. Шундан тўрттаси болаларга мўлжалланган. Туман марказидаги кутубхоналар аҳволи ҳаминқадар бўлгач, қишлоқлардагиси ҳақида нима дейиш мумкин? Икки йилдирки, туман молия бўлими янги китоблар учун маблағ ажратишни тўхтатиб қўйган. Болалар учун лотин алифбосидаги китобларни асло топиб бўлмайди.

Ачинарлиси, туман кутубхоналарида янги газета-журналларнинг бирор сонини топиб бўлмайди. Шахсий обунага кўпчиликнинг чўнтаги кўтармаслиги ойдек равшан бўла туриб, молия бўлимининг маънавий-маърифий аҳамиятга молик масала учун ҳар йили уч-тўрт ойлаб маблағ ажратмасдан пайсалга солишини тушуниш қийин. Янги китоблар ва газета-журналлар обунаси учун жўнатилаётган хатларга эса вақтида жавоб бермасликни ҳам англаб етиш қийин.

Китоб ва газета-журналларнинг инсон шуурига ва қалбига берадиган маънавий кучни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Буни тушуниш учун кунига маълум вақт ажратиб, мутолаа билан шуғулланиш даркор. Ана шунда тўрачилик иллатларидан холи бўлиб, ташаббускорликка йўл очилган бўларди.

**О. ҲАМЗАЕВ.**

# «НОДИРА»НИНГ КЎЗ ЁШЛАРИ

1992 йили шаҳримиздаги маданият ва истироҳат боғи вилоят маданият бошқармаси тасарруфидан чиқарилиб, маҳаллий саноат тизими ихтиёрига берилди. Ғоят хушманзара ҳудудга жойлашган мазкур боққа буюк шоирамиз Нодирабегим номи берилиши айни муддао бўлди. Боғни ободонлаштиришга жадал киришилди. Талайгина ишлар бажарилди ҳам. Бироқ, кўп ўтмай, ишлар чала-чулпа қолиб кетди. Ҳатто Нодирабегимга ўрнатилган ҳайкал ҳам ниҳоясига етмади.

Андижон вилоят «Маҳаллий саноат» концерни боғни ободонлаштиришга панжа орасидан қараётир. Боғ раҳбари Б. Абдуллаевнинг елиб-югуриши эса фойда бермаяпти.

Кунлар исиши билан одамлар боғ ҳудудидан шарқираб оқаётган катта ариқлар, ажойиб кўл бўйида, дарахтзорлар соясида хордиқ чиқариш, чўмилиш учун бу ерга кела бошлайди. Чиндан ҳам Нодира номли боғ шаҳримизнинг маза қилиб дам оладиган ғоят сўлим ва файзли манзилгоҳи. Аммо умумий майдони 8 гектардан иборат сунъий кўл кўп йиллардан бери тозаланмайди. Натижада кўл остида қалин лойқа ҳосил бўлган. Бу чўмилувчилар ҳаёти учун ғоят хавфлидир.

Кўл қирғоғидаги 400 квадрат метр майдонни бетонлаштириш зарур. Бошқа муаммолар эса аста-секин, йил давомида амалга оширилиши керак бўлади. Айтайлик, Нодирабегимнинг бўлажак ҳайкалига қўйилган дурустгина пойдевор эгасиз қўққайиб турибди. Дам олувчилар учун зарур шароитлар яратиш ҳам энг муҳим ишлардан саналади.

Хуллас, боғни ободонлаштиришга жиддий киришиш зарур. Бу билан фуқароларнинг маданий дам олиши, «Соғлом авлод йили» дастурини ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшибгина қолмай, Нодирабегимдек улуғ шоирамизнинг руҳини шод этган бўламиз.

**Тўлқин СИДДИҚ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

# ПИЛЛАКОРЛАР ИШ БОШЛАДИ

Фарғона вилояти пиллакорлари ипак қурти парваришини бошлади. Айни кунда Олтиариқ, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари хўжаликларида минг қутидан ортиқ ипак қурти уруғи парваришланмоқда. Жорий йилда вилоят пиллакорлари 55 минг қути ипак қурти боқиб, 3 минг тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хомашёсини етказиб бериш ниятида.

– Янги мавсумда Жанубий Корея ва Вьетнамдан 42 минг қути зотли ипак қурти уруғини олиб келиб парваришлаяпмиз,– дейди вилоят "Пилла" ҳиссадорлик бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Ғанижон Абдумаликов.– Янги уруғлар ривожланиши, серҳосиллиги, саноатда ишлатишга қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради. Умуман, жорий йилда бу соҳадан бир миллиард сўм даромад олиш режалаштирилган.

Айни пайтда республика Вазирлар Маҳкамасининг пиллачиликни ривожлантириш борасидаги қарорига мувофиқ, вилоятда бир миллион 415 минг туп тут кўчати ўтқазилди. Бу эса пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш йўлида ташланган амалий қадамдир.

**Р. КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Мулоҳаза*

# БОЗОРГА ҲАМ МАДАНИЯТ КЕРАК

Масалани шу тахлитда қўйиш баъзиларни ўйлантириши мумкин. Ахир, инсон иштироки билан боғлиқ жойда маданият бўлиши муқаррар. Айни пайтда бозорнинг ўз қонунлари борки, улар ҳақида гапирганда гўё маънавият ортга тисарилгандай бўлади.

Биз шу мавзуда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош директори, Олий Мажлис депутати Аббос АЛИМБОЕВ билан суҳбатлашдик.

Дабдурустдан, бу кишининг бозорга нима дахли бор, деб сўрашингиз табиий. Гап шундаки, суҳбатдошимиз бозор тушунчасининг маънавий қирралари ҳақида сўз юритади. Қолаверса, бозорга муносабат билдириш учун, албатта, шу соҳага тааллуқли киши бўлиш шарт эмас. Чунки бозор ҳамма учун эҳтиёж.

**– Аббос Аҳмедович, сизнингча, бозор нима?**

– Бозор – одамларнинг кундалик эҳтиёжлари қондириладиган, талаб ва таклиф тўқнашадиган жой. Шунингдек, бугунги бозор савдо дўконлари учун андоза ва товар манбаи ҳамдир.

**– Кейинги пайтда юртимизда кўплаб чиройли ва муҳташам бозорлар қурилди, эскилари тубдан таъмирланди. Бу яхши, албатта. Лекин кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас.**

– Бор. Бўлгандаям, бозор тилида айтганда, қоп-қоп. Эрталаб азонда деҳқондан арзон баҳога маҳсулотни олиб, унинг устига «отасининг нархи»ни қўшиб сотадиган олибсотарлар борми? Бор. Очиғини айтиш керак, ҳатто бозорнинг ўз «эгалари» ҳам бор. Уларнинг қўлидан, кўригидан кўп нарса ўтади. Мен буларни шу сабабдан алоҳида таъкидлаб ўтаяпманки, айнан уларнинг хатти-ҳаракати билан бозорда нарх белгиланади.

**– Демак, нархни тушириш мумкин, шундайми?**

– Албатта-да. Нархни пасайтиришнинг йўллари кўп... Булардан бири, аввало, деҳқонларга савдо-сотиқ учун шарт-шароит, қулайлик яратиб бериш лозим. Тўғри, ҳамма деҳқон ҳам кун бўйи бозорда ўтириб, савдо қилишга вақти, имкони бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда бозор маъмурияти деҳқоннинг маҳсулотини сотиб олсин. Бунинг учун бозорларда махсус қабул пунктларини ташкил этиб, маҳсулотнинг устига маълум фоизни қўйиб, уни белгиланган нархда сотиш учун ишсиз одамларни танлов асосида сотувчиликка, ишга жалб этиш керак. Шундай қилинса, маҳсулот арзонлашади, кўпчилик иш билан таъминланади.

**– Бозордаги тартиб ва тозалик ҳақида нималар дея оласиз?**

– Бозордан ҳеч ким хуноб бўлиб, кайфияти тушиб қайтмаслиги керак. Бозорда шундай тартиб, қулайлик ўрнатилиши керакки, токи харидор ўзига керакли нарсани қидириб овора бўлмасин, тор жойларда урилиб-сурилиб юрмасин.

Энди тозалик масаласига келсак, илгари бозорлар кечаси тозаланар эди. Ҳозирда эса фаррошлар куппа-кундузи чангитиб юришади. Кўпгина бозорларнинг санитария аҳволи талабга жавоб бермайди. Ифлос расталар, олинмаган чиқиндилар... Буларнинг барчаси соғлиққа зарар. Айниқса, ёзда. Бозордаги нотозаликлардан СЭС ходимларининг хабари йўқми? Бор, албатта. Лекин улар кўриб-кўрмасликка олишади...

**– Бозор болаларига муносабатингиз?**

– Болаларнинг бозорда олди-сотди билан эмас, уйда, мактабда ўқиш, илму фан билан машғул булишгани маъқул. Агарки, оилавий шароит бозорга чиқишни тақозо этса, буни ҳам қоралаб бўлмайди. Юртимизда мактабдаги таълим бепул. Шундай экан, бу имкониятдан тўлиқ фойдаланиш даркор. Зеро, илмли инсон ҳеч қачон хор бўлмайди.

Нима бўлганда ҳам болаларни тадбиркорликка деб, кўзбўямачиликка ўргатиб қўймайлик.

**– Хабарингиз бўлса, бозорнинг қизиғи тонгда бўлади, дейишади.**

– Бор гап. Қизиқчи Ҳожибой Тожибоевнинг бозорда инсоф нима қилсин, у эрта тонгда деҳқон билан келиб, яна унинг ўзи билан қайтиб кетади, деган гапида жон бор.

**– Бозордаги паттачиларнинг қўпол муомаласи, кирчир кийимда юриши ачинарли ҳол. Нима, уларнинг хушмуомала бўлиши, озода кийиниб юриши шунчалар қийинми?**

– Ўзини ҳурмат қилган одам тилига ҳам, эгнига ҳам қараб юради. Менимча, паттачиларга алоҳида кийим-бош ажратиб, кўкракларида рақамли жетон тақиб юришини жорий этиш керак. Шундагина тозалик ва тартиб ўрнатилади, деҳқонларга, сотувчиларга ҳам қулайлик туғилади.

Бозорларда ҳисобга олинмайдиган (тоғорачилардан, растадан жой етмаганлардан олинадиган) пулни бюджетга ўтказишни ҳам назорат қилиш лозим.

**– Савдо маданиятини ривожлантириш учун нималар қилиш зарур?**

– Илгарилари бозорлардаги шарқона лутф, шарқона маданият, шарқона савдолашишга ҳамманинг ҳаваси келган. Бугун эса, афсуски...

Бу муаммони ҳал этиш, аввалambор, бозор маъмурлари зиммасидадир. Улар маънавий-маърифий масалаларга жиддий эътибор бериб, ишни турли услуб ва йўналишларда шундай ташкил этишсинки, токи бундан бозор хизматчилари ва харидорлар маънавий озиқа олишсин.

Биз ўтган йили «МДФ-Барака» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда Чирчиқ шаҳридаги деҳқон бозори ҳудудидаги «Оталар чойхонаси»да маънавият хонаси ташкил этдик. У ерга (Чирчиқ шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси,16) ташриф буюрганлар кундалик нашрларни ўқишлари, шунингдек, мумтоз куй-қўшиқларни тинглаб, дам олишлари мумкин. Билишимча, «Эски жўва» бозорида ҳам «Маърифат ва тарғибот» бўлими очилибди. Бу яхши.

Бозорни ободонлаштириш, савдо маданиятини ривожлантириш мақсадида социологик тадқиқот ўтказиб, одамларнинг таклиф-мулоҳазаларини ўрганиш керак ва бу фикрлар, албатта, инобатга олиниши лозим.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.**

# ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари нималардан иборат бўлиши лозим? Бунда хорижий давлатлар тажрибасидан қандай фойдаланиш зарур? Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ТАСИС дастури иштирокида уюштирилган "Ўзбекистон Республикасида иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги республика семинарида шу ҳақда сўз юритилди.

Семинарда ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари, фойдаланиш ва таъмирлаш, лойиҳалаш ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассислари, ТАСИС лойиҳасининг иссиқлик ишлаб чиқариш ва узатиш объектларида иссиқлик ўлчаш тизимларини жорий этиш бўйича вакиллари, иссиқлик таъминоти соҳаси учун ускуна ишлаб чиқарувчи етакчи хорижий фирмалар мутахассислари иштирок этди.

Семинарда мамлакат иссиқлик таъминоти тизимини тубдан янгилаш зарурлиги қайд этилди. Бугунги кунда республикада иссиқлик истеъмолчиларининг 80 фоизини қамраб олган марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими техник ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиб қолди. Буғ қозонхоналарининг фойдали иш коэффициенти кичиклиги, эскирган ускуналар, катта миқдорда иссиқлик-энергия ресурслари ишлатилиши ва уни ишлаб чиқариш, ташиш ва фойдаланиш жараёнидаги иссиқлик сарфи — бугунги кунда иссиқлик таъминоти ходимлари тўқнаш келаётган муаммолардир. Бошқа давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, янгилаш нафақат тармоқ корхоналарини техник қайта қуроллантиришни, балки бошқарувнинг бозор тамойилларини кенг қўллашни ўз ичига олиши лозим.

Тармоқ ходимлари иссиқлик таъминоти соҳасидаги янгиликлар ва ютуқлар билан танишдилар, республикадаги мавжуд ва янги қурилаётган объектларда самарали қўлланиши мумкин бўлган ускуна ҳамда технологиялар тўғрисидаги фикрлар билан ўртоқлашишди.

**О. ЗАДУНАЙСКАЯ,**
**ЎзА мухбири.**

*ШУ СОНГА ХАБАР*

# ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

"Тўрткўл" ҳиссадорлик жамияти Россиянинг Саввинск шаҳридаги ип-йигирув фабрикаси билан қўшма корхона тузиш тўғрисидаги ҳужжатни имзолади. Ҳужжатга биноан, россиялик ишбилармонлар "Тўрткўл" ҳиссадорлик жамиятининг 4 миллион 664 минг сўмлик акциясини сотиб олди. Режага кўра, қўшма корхонада ҳар йили 1,5 минг тонна калава ип тайёрланиб, унинг барчаси хорижга экспорт қилинади.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «АВИАЦИЯДА ЮК ТАШИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»

Тошкентда 20 апрелдан 23 апрелгача шу мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтади. Конференцияда МДҲ давлатлари ҳукуматлари, фуқаро авиацияси соҳаси вазирликлари ва идоралари, божхона ташкилотлари вакиллари, авиация саноатининг йирик корхоналари ва дунёнинг етакчи авиакомпаниялари раҳбарлари, шунингдек, Халқаро авиацияда юк ташиш уюшмасига аъзо (ТИАКА) хорижий компаниялар вакиллари иштирок этади.

Анжуман Халқаро авиацияда юк ташиш уюшмаси (АҚШ), ТИАКАнинг МДҲ давлатлари бўйича бўлими (Россия), Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти ва "Авиализинг" авиакомпанияси (Ўзбекистон) томонидан ташкил этилган.

Конференция давомида кенг кўламдаги масалалар, жумладан, МДҲ ҳудудида ишлаб чиқарилаётган авиация техникаси жаҳон савдосини ривожлантириш истиқболлари, учиш хавфсизлигини таъминлаш, божхона тартибини замонавийлаштириш муаммолари каби масалалар кўриб чиқилади. Конференцияда асосий эътибор авиация орқали юкларни етказиб бериш имтиёзларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган ҳамкорлик истиқболларига қаратилади.

**Д. САИТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Хисао Комацу:

# «АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛГАНИДАН МАМНУНМАН»

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ, Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилган эди. «Жаҳон» ахборот агентлигининг Токиодаги мухбири таниқли япон олими, Токио университети профессори Хисао Комацу билан шу мавзуда суҳбатлашди.**

**— Жаноб Комацу, Сизни мамлакатимизда жадид маърифатпарварлари ҳаракатини тадқиқ этувчи олим сифатида яхши билишади. Мазкур ҳаракатга қизиқишингизга нима сабаб бўлган?**

— Авваламбор, бир муҳим жиҳатни қайд этишни истардим. Жадидлар ва уларнинг Марказий Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги ҳаракатига қизиқиш кўпгина мамлакатларда азалдан бери мавжуд. Бироқ 1991 йили Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнггина мамлакатингизда жадид зиёлилари ҳақида очиқ-эркин гапириш имкони яралди. Менинг бу ҳаракатга қизиқишим, авваламбор, ўз замонасининг маърифатпарвар зиёлилари жаҳон тарихида муносиб ўринни эгаллашлари лозим, деган истак ва интилишга асосланган.

Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Саидаҳмад Сиддиқий ва бошқа қатор маърифатпарварлар, шубҳасиз, ўз халқининг фахри бўлишган. Улар жамият тараққиётининг янги йўлларини доимо излашга, замонавий илм-фанларни ўрганиш учун мустаҳкам замин яратишга интилганлар. Жадидлар ҳаракати миллий ўзликнинг шаклланишига, халқнинг чуқурроқ билим олиш истагига туртки берди.

**— Сизнинг фикрингизча, нима учун жадидлар ҳаракати Совет тузуми даврида қораланган?**

— Фикримча, диктатура ҳокимияти жадидлар тимсолида ўзи учун жиддий рақибни кўрди. Зотан, жадид маърифатпарварлари замонавий илм-фанлар ва жамиятни ўрганишга асосланган тараққиётнинг муқобил, илғор йўналишини қарама-қарши қўйишган ва унда маорифга, миллий кадрларни тайёрлашга кўпроқ урғу берилган эди. Жадидларнинг жамият тараққиёти тўғрисидаги қарашлари ҳақиқий миллий, маданий ва тарихий қадриятларга асосланган. Большевиклар эса ўзлари ўйлаб топган маориф услуби ва жамият тараққиёти назариясидан ўзгача услуб ё назария мавжуд бўлишига йўл қўйишни асло истамас эдилар. Ўйлашимча, аввало, шу боис жадидлар ва уларнинг барча ғоялари ноқонуний деб эълон қилинган. Бугунги кунда бу таълимот ҳамон долзарб аҳамиятга эга.

Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, миллий кадрлар тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлди ва мамлакатингиз раҳбарияти ўз саъй-ҳаракатларини маориф тизимини ислоҳ қилишга, ўқув жараёнини энг замонавий даражага олиб чиқишга интилаётганлиги жуда муҳим ҳолдир.

**— Жаноб Комацу, ўзингиз ҳақингизда ҳам сўзлаб берсангиз...**

— Мен 70-йилларда Токио университетининг Шарқ тарихи бўлимини тамомлаганман. Айнан ўша даврда «жадидизм» ҳаракатини ўзим учун кашф этдим. У пайтлар жадидлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш амалда мушкул эди. Анқара университетида кўпгина манбаларни топишга муваффақ бўлдим. Ушбу манбаларни ўрганар эканман, мен XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон зиёлилари томонидан яратилган улкан бебаҳо дунёни кашф этиб, қалбан ларзага келдим. Ўз халқининг замонавий ва маърифатли жамиятда яшаши учун ёрдам бериш истаги жадид зиёлилари ҳаётининг бош мазмуни бўлган.

Тўпланган маълумотлар менга «Фитрат. Унинг ҳаёти ва даври» китобини ёзиш ва чоп этишга имкон берди. Унда мен «халқ душмани» деб ноҳақ айбланган буюк маърифатпарвар тўғрисидаги бор ҳақиқатни ёритишга ҳаракат қилганман.

**— Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилганлиги ҳақидаги хабарни қандай кутиб олдингиз?**

— Мен бу янгиликни катта мамнуният билан қабул қилдим. Адолат тантана қилгани ва жадид маърифатпарварлари тарихда муносиб ўринни эгаллаганларидан беҳад хурсандман. Бугун Ўзбекистон халқи ўз келажагини ўз қўли билан бунёд этмоқда. Демак, жадид маърифатпарварларининг анъаналари ҳам давом этажак.

**Музаффар ЗОҲИДОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
**Токио.**

## МЕРИДИАН

# ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Яқинда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) МДҲ давлатларида юзага келган иқтисодий аҳвол ҳақида маъруза эълон қилди. Маърузада мазкур давлатларда иқтисодий юксалишнинг истиқболи ҳақида ҳам фикрлар айтилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ушбу маъруза ХВЖ ва Жаҳон банкининг баҳорги сессияси арафасида эълон қилинди. Айни кунларда эса ушбу анжуман ўз ишини бошлади.

Мазкур молиявий ташкилот экспертларининг таъкидлашича, МДҲ давлатларида иқтисодий манзара турли кўринишда. Масалан, Кавказорти ва Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда иқтисодий аҳвол бошқа давлатларга қараганда анча яхши. Маърузада айтилишича, 1999 йилда собиқ Иттифоқ ҳудудига кирувчи Молдовада иқтисодий кўрсаткич 5 фоизга тушиб кетган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 4,1 фоизга ўсган. Қолган мамлакатларда, жумладан, Россияда бу кўрсаткич 2 фоиздан 4 фоизгача, Қозоғистонда 1,7 фоиз ўсишни ташкил этган. Иқтисодий ўсиш йўқлиги Молдовадан ташқари, Украинада ҳам кузатилди. Гарчи МДҲга аъзо бўлмаса-да, Болтиқбўйи мамлакатларида ҳам аҳвол ёмонлашган. Масалан, ўтган йили Латвияда иқтисодий ўсиш нўлга тенг бўлди.

Миллий валютанинг қадрсизланиши борасида Беларусда аҳвол ночор бўлиши кутилмоқда. Бу мамлакатда ўтган йили нарх-наво 294 фоизга ошган. Бу кўрсаткич жорий йилда ҳам сақланиб қолади. Нарх-навонинг ошиши Туркманистонда ҳам юқори бўлади.

Умуман, бу йил Ҳамдўстлик давлатлари ичида Украина ва Беларусда иқтисодий аҳвол анча ачинарли ҳолатда сақланиб қолади, дейди ХВЖ экспертлари. Шу боис мазкур мамлакатларда қаттиқ макроиқтисодиёт интизомига амал қилиш ва тузилмавий ислоҳотларни давом эттириш лозимлиги таъкидланади. Экспертларларнинг таъкидлашича, жорий йилда Ҳамдўстлик давлатлари орасида энг кўп даражадаги иқтисодий ўсиш Ўзбекистон, Озарбойжон ва Арманистонда кузатилади.

## ПХЕНЬЯН УЧРАШУВИ ОЛДИДАН

«Интернет» хабарларига қараганда, шу йилнинг 12-14 июн кунлари Пхеньянда Жанубий Корея ва Шимолий Корея Президентлари ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Ушбу хабарда айтилишича, унда икки давлат ҳамкорлигига боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилиши мўлжалланган. Яқинда БМТ Бош котиби Кофе Аннан икки Президент ўртасида бўлажак учрашув ижобий натижалар беришига умид билдирди. Шу билан бирга, Бош котиб икки давлат ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун қўлдан келганча кўмак беришга тайёр эканини айтди. Шу кунларда мамлакатимизда расмий ташриф билан меҳмон бўлиб турган АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт бу ҳақда ўз муносабатини билдирар экан, биз ушбу учрашувни сабрсизлик билан кутяпмиз. Бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари йўлидаги биринчи, энг муҳим ва тарихий қадамдир, дея таъкидлади.

## БИР ЧИМДИМДАН...



Истанбул

Индонезиянинг собиқ Президенти Сухартога пойтахт ҳудудидан ташқарига чиқиш ман қилинди. Бундан бор-йўғи уч кун аввал унинг чет элга чиқиши ҳам тақиқланган эди.

* * *

Афғонистоннинг "Толибон" назоратида бўлган ҳудудларида БМТ ходимлари яна ўз фаолиятини давом эттира бошлади. Бу ҳақда БМТ Бош котиби вакили Мария Окабе маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, толиблар БМТ ходимларининг хавфсизлигини таъминлашни ваъда қилгач, халқаро ташкилот раҳбарияти уларнинг Афғонистондаги фаолиятини тиклашга розилик берган.

* * *

Таиланд миллий сайлов комиссияси мамлакатнинг 35 вилоятида парламентнинг юқори палатасига қайта сайлов ўтказишга тайёргарлик кўряпти. Бу вилоятларда март ойи бошида бўлиб ўтган овоз бериш натижалари бекор қилинган эди.

* * *

Шу кунларда кўпчиликни кубалик Элиаҥ Гонсалеснинг тақдири қизиқтираётган бўлиши табиий. Гап шундаки, айни пайтда АҚШда ушлаб турилган Элианнинг қариндошлари болани мамлакат федерал ҳукумати ихтиёрига беришдан бош тортди. Гарчи адлия вазирлиги томонидан белгиланган муддат ниҳоясига етган бўлса-да, Элианнинг бобоси ҳукумат болани ундан фақат куч билан тортиб олиши мумкинлигини маълум қилди.

* * *

Бугун Москвада Осиё ва Тинч океани минтақаси мамлакатлари ахборот агентликлари ташкилоти Бош ассамблеясининг ўн биринчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда эллик мамлакат ахборот агентликлари раҳбарлари ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Мажлисда XXI асрда дунё ахборот оламида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар муҳокама қилинади.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# БАРКАМОЛ ЁШЛАР ТАРБИЯЛАНМОҚДА







*Марғилон шаҳридаги «Линекс» ўқув-компьютер маркази ёшларни замонавий компьютер техникаси билан ишлаш ҳамда чет тилларни ўргатишга ихтисослашган. Бу ерда Фарғона водийсининг турли туманларидан келган 125 нафар йигит-қиз таълим олмоқда. Мазкур марказда ўқув-тажриба хоналари кўргазмали қуроллар, энг замонавий компьютер техникалари билан тўла жиҳозланган. Буларнинг барчаси ёшларни ҳар томонлама билимли, баркамол қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.*

**СУРАТЛАРДА: ўқув маркази биносининг умумий кўриниши; марказ ўқитувчиси Баҳромжон Муллажонов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

# КОЛЛЕЖДА СПАРТАКИАДА

**Кеча Тошкент шаҳар қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежида стол тенниси бўйича ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўқувчи ёшларининг I республика оммавий спорт мусобақалари бошланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 120 дан ортиқ вакил қатнашмоқда.**

**Спартакиада очилишида барча иштирокчилар ва меҳмонларнинг диққат-эътибори давлатимиз мадҳияси садоси остида секин-аста юқорилаган байроғимизга қаратилди.**

**Дарҳақиқат, республика касб-ҳунар коллежлари ўртасида стол тенниси бўйича илк маротаба спартакиада ўтказилаётгани диққатга сазовор. Мусобақани олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидаҳрор Ғуломов очди.**

**— Спортимизнинг ривожи, энг аввало, соғлом авлодни тарбиялашга боғлиқ, — деди республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Маҳситов. — Зеро, Ўзбекистон келажагининг буюклиги маънавий ва жисмоний соғлом ўғил-қизларнинг бугунги хатти-ҳаракатига кўп жиҳатдан боғлиқдир.**

**Сўзга чиққан нотиқлар спартакиада қатнашчиларига зафар тиладилар. Сўнгра мазкур коллеж қошида ташкил этилган «Эркин» каратэ жамоаси вакиллари ва «Санам» рақс дастаси раққосаларининг чиқишлари байрамга ўзгача шукуҳ бахш этди.**

**— Биз халқаро миқёсда нафақат педагогик алоқаларни йўлга қўйиш, балки спортнинг оммавий турини ривожлантиришни мақсад қилиб қўйганмиз, — дейди биз билан суҳбатда қурилиш-коммунал касб-ҳунар коллежи директори Аббос Хўжаев. — Мазкур спартакиада шу йилнинг июн ойида коллеж талабаларининг халқаро стол тенниси ҳамда футбол бўйича ўртоқлик учрашуви олдидан ўзига хос кўрик бўлади.**

**Ҳозирда Соғлом авлод давлат дастурига мувофиқ, спортнинг барча турига эътибор кучайтирилмоқда. Стол тенниси бўйича I республика спартакидасининг очилиши эса фикримиз далилидир. Спартакиада мусобақалари 23 апрелгача давом этади.**

**Оқил АБДУАЗИМОВ.**

## "Соғлом авлод йили - 2000"

# ВРАЧЛИК ПУНКТЛАРИГА УСКУНАЛАР

### ёки тадбиркорлар билан банк ҳамкорлигининг ижобий натижалари хусусида

Пойтахтимиздаги "Супромед" илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамасдан, у қисқа вақт ичида республикамиз тиббиёт соҳасида ўз ўрнини топди. Чунки яқин вақтларга қадар оддий врачлик пунктлари учун ишлатиладиган ускуналар хориждан валюта ҳисобига келтирилар эди. Энди бунга ҳечам ҳожат йўқ, дейиш мумкин. Сабаби — 15 нафар илмий-техник ходимни ўзига бирлаштирган "Супромед" хусусий фирмаси тайёрлаётган тиббиёт ускуналари хорижникидан асло қолишмайди. Айниқса, у янги ташкил этилган врачлик пунктларига, хусусий тиббиёт поликлиникаларига жуда қўл келади. Бунинг устига, мазкур ускуналар ўта оддий, ихчам ва бежирим бўлганлиги боис уларни енгил автомашиналарда бемалол олиб юриш ёки мўъжазгина хоналарга ўрнатиш мумкин. Хусусан, қизил нур ва инфра қизил нур ва лазер билан даволовчи аппаратлар, ультра-товушли сканер, рентген ўрнини босадиган компьютерлашган электрокардиографлар ана шулар жумласига киради. Бундан ташқари, корхонада шунга ўхшаш ўнга яқин турдаги тиббиёт ускуналари ҳам тайёрланиб, мижозларга етказиб берилмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида республикамиз вилоят, шаҳар ва туманларидан келган мижозларга 50 млн. сўмликдан зиёдроқ ускуналар сотилди. Ва яна улардан ўнга яқин буюртмалар қабул қилинди.

— Муҳими эса, шу пайтга қадар ускуналаримизни харид қилган мижозларимизнинг биронтаси ҳам шикоят қилгани йўқ, — дейди "Супромед" илмий-ишлаб чиқариш фирмаси директори Собир Убайдуллаев. — Қолаверса, биз уларга узлуксиз бир йиллик кафолати билан сотамиз. Мабодо ана шу муддат ичида мижоз фойдаланаётган ускуна панд бериб қўйгудек бўлса, ходимларимиздан биронтасини юбориб, қисқа муддат ичида таъмирлаб берамиз. Ана шундай ускуналаримиздан бир нечтасини Ҳиндистондаги йирик поликлиникалардан бири ҳам харид қилганди. Улар билан ҳам мунтазам қўнғироқлашиб турибмиз. Аммо шу пайтга қадар бирон марта эътироз билдирилмади.

Демакки, фирма ўзи тайёрлаётган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиши учун вазият етилди. Бироқ бунинг учун ускуналарни хорижники сингари целлофонларга ўралган ҳолда картон ёки ёғоч қутиларга қадоқлаш, дизайн бериш лозим. Аммо бунга етарли маблағ зарур. Фирма маъмуриятини бир неча ойдирки, ана шу муаммо қийнаб келарди. Банкдан кредит олай деса, уни олишдан азоби кўпроқ. Нима қилиш керак? Шундай оддий иш кунларининг бирида фирмага қўнғироқ бўлиб қолди.

— Кечирасиз, бу "Супромед" кичик корхонасими? Менга Собир Убайдуллаев керак эди. Биз республика Миллий банкининг академик бўлимидан безовта қилаётган эдик.

— Эшитаман.

— Сизнинг фирмангиз фаолияти бизни қизиқтириб қолди. Агар иложи бўлса, банкимизга бир келиб кетолмайсизми?

Айтилган жойга боргач, уни мазкур банк бўлим бошлиғи Жаҳонгир Имомназаров қарши олди. У бир папка ичидаги газета мақолалари орасидан фирма тўғрисидаги мақолани олиб: "Шу ерда ёзилганларнинг барчаси тўғрими?" — деб сўради.

— Албатта.

— Унда биз сизнинг ташаббусингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Шундай қилиб, банк ходимлари қисқа вақт ичида корхона иши билан танишиб чиқишгач, фирма ускуналарининг асосий харидори бўлган "Тибэлектроник" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига буюртмачи сифатида етарли миқдорда кредит ажратилди. "Супромед" билан "Тибэлектроник" орасидаги ўзаро келишувга кўра, буюртма ҳисобига тайёрланган тиббиёт ускуналари бу йил Ганноверда ўтказиладиган «ЭКСПО-2000» халқаро кўргазмасига ва Европада бўлиб ўтадиган бир қанча ярмаркаларга олиб бориладиган бўлди. Шунингдек, корхоналар ускуналари билан қизиққан (аммо дизайн даражаси пастлиги боис уларни харид қилмаган) хорижлик фирмалар билан ҳамкорлик ишлари яна йўлга қўйила бошланди.

Хуллас калом, 2-3 ой ичида барча ўйланган режалар амалга ошади. Бунга ишончимиз комил. Энг муҳими, чет эл талабларини қондирадиган ускуна тайёрлаш учун етарли миқдордаги кредит олинди.

Республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг академик бўлимида ҳам бўлдик.

— Бўлимимиз асосан янги ихтироларни, яъни инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган, — дейди унинг бошлиғи Ж.Имомназаров. — Очиғини айтсам, ҳозиргача ихтирочиларга амалий ёрдам беролмадик. Сабаби — амалда қўлланилаётган кредитга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида инновацион лойиҳаларни молиялаш жуда ноқулай эди. Мамлакатимиз Президентининг шу йил 21 мартдаги "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"-ги Фармони бу масалани ечиш имконини берди. Натижада шу йилнинг ўзида учта ихтирога молия ажратишга қарор қилдик. Чунки биз танлаган мижозларнинг лойиҳалари озгина молиявий ёрдам туфайли республикада импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп ускуналар ишлаб чиқариш имконини беради. Хусусан, қишлоқ врачлик пунктлари учун бугунги кунда импорт ўрнини босадиган бирйўла 14 хилдаги ихчам тиббиёт ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Тибэлектроник" илмий-ишлаб чиқариш фирмасига кредит ажратдик. Бундан ташқари, сувни турли хил хавфли моддалардан тозалаб берадиган ускуналар ишлаб чиқараётган "Гринтек" экологик корхонасига, рентген-диагностика комплексини яратганлиги учун "Оптик" илмий-ишлаб чиқариш фирмасига, қовундан бирйўла беш-олти хил турдаги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўраётган олим Бахтиёр Шоймардоновнинг лойиҳасига кредит ажратишни лозим топдик. Шунингдек, олим-ихтирочиларимиз ва тадбиркорларимиз томонидан яратилган 10 га яқин янги технология (ноу-хоу)ларни атрофлича ўрганиб чиқаяпмиз. Келгусида уларнинг ҳам самара берадиганларига кредит ажратиш кўзда тутилмоқда.

Дарҳақиқат, интилганга толе ёр, дейдилар. "Тибэлектроник" ва "Супромед" сингари юқорида номлари қайд этилган корхоналар яқин ойлар ичида мамлакатимиз иқтисодиётини кўтариш, валюта заҳирасини тежаш ва оширишга муносиб ҳисса қўшсалар, ажабмас.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 11 апрелдаги VII-2572-сонли Фармони билан Тошкент молия-қурилиш корпорацияси — «Тошкентуйжойинвестқурилиш» тугатилади.**

**Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади:**

**Тошкент ш., «Ўзбекистон» кўчаси, 16-уй.**
**Телефонлар: 1391275, 1394120, 1394600.**

**Тугатиш комиссияси.**


"ТЕЗИНТОМ" ЎЗБЕК-ГЕРМАН ҚЎШМА КОРХОНАСИ МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИДИР.

Том ёпиш материали

Металлчерепица

ва аксессуарлар

Янгилик

Энди бу КАМЁБ МАТЕРИАЛ Ўзбекистонда тайёрланмоқда.



МЕТАЛЛЧЕРЕПИЦАЛАР афзаллиги:

Турли кўринишдаги томлар учун тез фурсатда етказиб берилади.

Ҳар қандай об-ҳаво шароитига чидамли.

Ташқи кўриниши кўркам, енгил терилади, табиий рангларда товланади.

Олдин ёпилган томларни қайта тиклаш ва таъмирлашда ҳам ишлатилиши қулай.

Тўплам ҳолида етказиб бериш имконияти мавжуд.

Амалда битмас-туганмас томга эга бўласиз.

Сиз билан ҳамкорлик қилишдан мамнунмиз.

Энг аъло жаҳон андозалари даражасида.

МЕТАЛЛЧЕРЕПИЦАЛАР кенглиги 1,065 м узунлиги 0,5 дан 10 метргача. 1 кв.метрининг вазни 4,5 кг.

Ишлаб чиқариш учун хомашё Голландиядан келтирилади.

Буюртмачининг хоҳишига кўра, томни ёпиш бўйича йўриқнома тақдим этилади, шунингдек маслаҳатчи-мутахассис жўнатилиши ҳам мумкин.

Тўлов шакли — исталганича.

У уйингизга МЎҲТАШАМЛИК бахш этади.

Қуйидаги рақамлар бўйича телефон қилингиз, вас: +998 (71)
162-78-59, 162-42-47, 162-96-31 факс: 162-41-05.

E-mail: tezintom@globalnet.uz

"ТЕЗИНТОМ" ҚК. Тошкент, Муҳиддинов кўчаси, 1. ТОЭМЗ—1

2772

